

Ҳар бир инсон фаровонлиги учун!

Birgalikda ijtimoiy davlat saril!



Ўзбекистон Овози

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz

№45

2024-yil

30-oktabr, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



✓ Сайлов — 2024

ЭНДИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУР ИЖРОСИГА КИРИШАМИЗ!



ВАТАНГА ВА ХАЛҚҚА САДОҚАТ – ОЛИЙ БУРЧ

— Президентимиз илгари сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғоя мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимидаги туб ислохотлар негизини ташкил этади. Хусусан, ислохотларнинг биринчи босқичида ички ишлар органларининг тузилмаси мақбул-

лаштирилиб, барча бўғин раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги белгиланди. Шахсий таркибнинг 85 фоизи кўйи бўғинга туширилиб, раҳбар ҳамда масъул ходимларнинг халқ билан бевосита мулоқот қилиши йўлга қўйилди.



32 ЙИЛЛИК ОРЗУ УШАЛДИ...

Йўллар раvon бўлса, мушуқлар осонлашади. Шўрчи туманидаги “Лайлакхона” маҳалласининг “Бештом” қишлоғи аҳли 32 йил давомида йўлларнинг аянчли аҳволидан азият чекиб келган.

– Қир ва адирларга туташ манзилда яшаймиз, – дейди Бўрибой Тагманов. – Қадимда бу ерлар ёлғизоёқ ва сўқмоқ йўл бўлган. 1992 йилнинг бошларида қарийб уч километрли йўл бироз кенгайтирилган бўлса, шундан кейин ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Ҳатто, бирор марта ҳам таъмирлангани йўқ. Ёзда кўтарилган чанг-ғубор ва қишли-қировли кунларнинг лойгарчилигидан бешиб қолгандик. Автомашина ҳаракатланиши нари турсин, ҳатто, ўқувчилар ўз вақтида мактабга боролмаган. Бугун кўп йиллик ниятлар ижобат бўлганидан ниҳоятда хурсандмиз.

8 САҲИФАДА

САЙЛОВ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистоннинг бугунги кунда юритаётган очиклик тамойилларига таянган фаол ташқи сиёсати натижасида халқаро нигоҳлар юртимизга тикилган. Шу сабабдан 27 октябрь бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов жараёнларини кузатиш учун дунёнинг кўплаб давлатларидан экспертлар ташриф буюрди. Улар жараённинг боришини бевосита кузатиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



ННТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ниҳоятда муҳимдир. Улар жамоатчиликнинг турли гуруҳ манфаатларини намоён этиш, давлат ва жамият ўртасида мулоқотни таъминлаш, ижтимоий соҳада инновацион

ёндашувларни киритиш қобилияти билан демократик ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўладилар. Шу билан бирга таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа ижтимоий секторларда муҳим хизматларни кўрсатиш орқали ижтимоий ижодкорликни қарор топтиришга кўмаклашадилар.



ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

33 ЁШДА!

Ўтган 33 йил давомида Халқ демократик партияси шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди, сиёсий куч сифатида тобланди, катта тажриба тўплади.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги биринчи сиёсий партия бўлган ХДП мустақиллик билан тенгдош, у билан қадамба-қадам одимлаб келмоқда.

Ўзбекистондаги янги ислохотлар шароитида партияимизнинг дастурий ғоялари ва мақсадлари янада чуқурлашди. Мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, барча йўналишдаги ислохотларнинг ижтимоий самардорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар қамраб олинди. Шунга монанд равишда партияимизнинг янги рамзи, логотиплари тасдиқланди. Ўтган йиллар давомида юртимиздаги барча Президентлик ва парламент сайловларида муносиб иштирок этди. Бу жараёнлар партияимизнинг сиёсий тажрибасини оширди, мафкуравий, ташкилий ва услубий жиҳатдан мустаҳкамлади.

“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ” АТБ

ТАДБИРҚОРЛАРГА ЯҚИН КЎМАҚДОШ

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан ОАВ вакиллари учун Қашқадарё вилоятига пресс-тур ташкил этилди. Мазкур тадбир давомида жанубий воҳада банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг амалий натижаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг битта Банк хизматлари офиси ва иккита Банк хизматлари кўрсатиш маркази фаолият юритмоқда. Шунингдек, 5 та валюта айирбошлаш шохобчаси мавжуд бўлиб, улар орқали жами 50 900 нафар жисмоний ҳамда 1153 нафар юридик шахс ҳамда 351 та яқка тартибдаги тадбирқорга сифатли банк хизматлари кўрсатилаётир.

6

САЙЛОВ – 2024

ЭНДИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУР ИЖРОСИГА КИРИШАМИЗ!

2024 йил 27 октябрь. МАЗКУР САНА МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ЯНА БИР ЯНГИ ДАВРГА ҚАДАМ ҚЎЙИЛГАНИ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ, ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ТАРҲИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАНИ БИЛАН МИЛЛИЙ СОЛНОМАМИЗГА КИРИТИЛАДИГАН БЎЛДИ. БУ КУНИ НАВБАТДАГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ. ЖАРАЁННИНГ БЕВОСИТА КУЗАТУВЧИЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЖОЙЛАРДА МАЗКУР СИЁСИЙ ТАДБИР АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ ТОМОНИДАН ЮҚОРИ КЎТАРИНКИЛИК ВА ФАОЛЛИГИДА ЎТГАНИНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИЛАР. БУ ФУҚАРОЛАРИМИЗДА МУНОСИБ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИ САЙЛАШ ЎЗИ ВА ФАРЗАНДЛАРИ ҲАЁТИ, ЮРТ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН ХАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШНИ АНГЛАШ ҲАМДА ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ШАКЛЛАНГАНИНИ, ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТАДРИЖИЙ ЎСИБ БОРАЁТГАНИНИ КЎРСАТДИ.



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови илк бор аралаш, яъни, мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида бўлиб ўтди. Бу эса депутатлик ўринлари учун сиёсий партиялар ўртасидаги кураш соғлом рақобат муҳитида кечиниши таъминлади. Сайловда 15 миллион 27 минг 529 нафар сайловчи ёки жами сайловчиларнинг 74,72 фоизи овоз беришда иштирок этди. Шунингдек, сайлов қонунчилигига мувофиқ 16-23 октябрь кунлари ўтказилган муддатидан олдин овоз бериш жараёнида мамлакатимиз бўйлаб 1 млн 15 минг 948 нафар, хорижда эса 132 минг 667 нафар сайловчи овоз берди. Сайловларда хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти яратилди. 40 та мамлакатда ташкил этилган 57 та сайлов участкаларида жами 140 минг 388 нафар сайловчи эмин-эркин сиёсий хоҳиш-иродасини намойн қилди.

Сайлов жараёнларини 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар кузатиб борди.

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида МСК Раиси

З.Низомхўжаев иштирокида сайлов якунига бағишлаб ташкил қилинган брифингга қайд этилганидек, парламент сайловларида Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутати (75 нафари бевосита мажоритар, 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси 65 нафар депутати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, 208 та туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари сайланди.

МУҲИМ РАҚАМЛАР

Мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти ҳисобланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан қуйи палата депутатлигига бир мандатли округлар бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат, яъни, пропорционал тизим бўйича 100 нафар номзод кўрсатилганидан хабарингиз бор.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) кенгашларига ХДПдан 5 минг 695 нафар номзод тақдим қилинди.

Турли соҳа вакиллари саналган бу номзодларнинг барчаси салоҳиятли, ижтимоий фаол ва халқ орасида

обру-эйтиборли бўлиб, улар сайлов кампанияси даврида ҳудудларда тизимли равишда сайловчилар билан учрашувлар ўтказдилар. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари электротат билан юзма-юз мулоқотлар чоғида ХДПнинг 10 та йўналишда 150 дан ортиқ таклиф-ташаббусларни қамраб олган Сайловолди дастури мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур етказишга ҳаракат қилдилар. Мамлакатни тараққий эттиришда кучли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлган, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар тарафлама химоя қилиш, шу орқали ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш борасида қатъий позициясини илгари суриб келаётган ХДП ғояларининг ғоятда долзарб экани ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилди. Айниқса, дунёдаги вазият тобора таҳликали ва мураккаб тус олаётгани боис қатор мамлакатлар ҳукуматлари ва халқлари ижтимоий сиёсатда бурилиш палласини бошдан кечираётган, эркин бозор иқтисодиётига хос жараёнларни қайсидир даражада жиловлаб, тенгсизлиқни, камбағаллик хавфини юмшатиш масаласига жиддий ёндашаётган ҳозирги замонда.

Шундай қилиб, жойларда 300 мингдан зиёд

аҳоли иштирокида ташкил қилинган 5 мингдан ортиқ учрашувлар ва бошқа сайловолди тарғибот-ташвиқот тадбирлари миллионлаб юрдошларимизни партиянинг ҳақчил ғоя-ташаббуслари билан таништиришда, ўз ўрнида электротатнинг таклиф-мулоҳазаларини тинглаш ва ўрганишда муҳим платформа вазифасини бажарди.

ҲАР БИР ОВОЗ ОРТИДА ИШОНЧ БОР

Ғалвир сувдан кўтарилди. Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган янги тизими синовдан муваффақиятли ўтди, десак янглишмаймиз.

Марказий сайлов комиссияси якуний натижаларни эълон қилди. Унга кўра, пропорционал сайлов тизими бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Халқ демократик партияси 2 миллион 558 минг 16 та овоз билан 13 та депутатлик ўрнига эга бўлди. Мажоритар тизим бўйича эса 7 нафар депутат сайланди. Жами ҳисобда ХДПдан 20 нафар номзод Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият бошлайдилар.

оширди. Сайлов кампанияси давомида “Электрон сайлов” ахборот тизими орқали сайлов комиссиялари билан сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги қарийб 60 турдаги ўзаро ҳамкорлик алоқаси тўлиқ электрон шаклда амалга оширилди. Қолаверса, ўтган йили янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизга мувофиқ парламентизм ва маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада мустаҳкамлангани партиялар ҳамда номзодлар ўртасида депутатлик ўрни учун рақобатнинг янада жадаллашувига олиб келди, деб ўйлайман. Яна мен учун энг асосий жиҳати, сайловда аёл номзодларнинг фаол иштирок этганидир.

Биламизки, Сайлов кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда хотин-қизлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил қилиши шарт. Аввал бу талаб бўйича кўрсаткич 30 фоиз эди. Эйтиборлиси, ХДПдан қуйи палатага номзодларнинг 83 нафари (47,4 фоизи), маҳаллий Кенгашларга номзодларнинг 2 минг 415 нафари (42,4 фоизи) хотин-қизлардан иборат бўлди ва бу бошқа партияларга қараганда нисбатан юқори кўрсаткичдир.

Халқ вакили бўлиш – бу жуда катта масъулият, фидойилик, элу юрт учун ёниб яшаш дегани. Қонун чиқарувчи бўғинда фаолият юритиш имкониятини қўлга киритган ҳар бир аёл бу вазифани удалашига ишонаман.

» **Партияимизнинг Сайловолди дастуридаги ўнлаб ғоя-ташаббуслар электротат томонидан мамнунлик билан қабул қилинди. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун “Ижтимоий кодекс”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги миллий стандартларини қонун даражасида мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд қатламлар учун ижтимоий турар жойларни қуриш, ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонуний белгилаш, таълимда, тиббиётда ҳуқуқлар тенглигини таъминлаш, фармацевтикани, кўчмас мулк бозорини тартибга солиш, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш каби аниқ йўналишлардаги дадил таклифларни сайловчиларимиз қўллаб-қувватладилар.**



Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Жорий октябр ойининг сўнгги якшанбасида ўтган парламент сайловлари кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, умуман, ўзини шу жамиятнинг фаол аъзосиман, деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро учун муҳим воқеликлардан бири бўлди. Юртимиздаги йирик сиёсий тадбирни бутун дунё, соҳа экспертлари диққат билан кузатди. Бугун халқаро даврий ва Интернет нашрларида Ўзбекистонда парламент сайловлари демократик тамойилларга уйғун равишда ўтганига доир муносабатлар, эйтирофларга кўзимиз тушаётгани ғурурли, албатта.

Мисол учун, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси вакиллари мазкур сиёсий тадбир давомида инклюзивлиқни таъминлаш бўйича мамлакатимизда катта ишлар қилинганини қайд этдилар. Сайлов ҳуқуқига эга 832 минг ногирон фуқароларимиздан 105 минг нафари овоз бериш учун қўшимча ёрдамга муҳтож бўлиб, уларга ўз хоҳиш-иродасини билдириш имкониятини яратиш мақсадида 16 мингга яқин кўнгилли жалб этилгани, сайлов участкаларида кўзи ожиз фуқаролар учун бўртма-нукта

босма трафаретлар тайёрлангани, оптик кўзойнақлар тақдим этилгани, бинолари пандуслар, чақирув тугмалари, шунингдек, яширин овоз бериш учун махсус кабиналар билан жиҳозлангани юқори баҳоланди.

Сайловда иштирок этиш партиянинг дастурий ғоя ва вазифаларини амалга ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва кучли фуқаролик жамиятининг ривожланишига ҳисса қўшиш, яна бир бор халқ ишончини қозонишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода партияимиз ҳам аввал-бошданок мазкур сиёсий тадбирда фаол иштирок этишга бор куч ва имкониятларини ишга солиди. Айниқса, жойларда аҳоли турли қатлам вакиллари билан ўтган сайловолди учрашувларимиз оддий одамларнинг дарду ташвишларини яқиндан билишга, уларни ўйлантираётган долзарб масалалар ва таклифларини ўрганишга шартин яратди.

Ўз навбатида партияимизнинг Сайловолди дастуридаги ўнлаб ғоя-ташаббуслар электротат томонидан мамнунлик билан қабул қилинди. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун “Ижтимоий кодекс”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги миллий стандартларини қонун даражасида мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд қатламлар учун ижтимоий турар жойларни қуриш, ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонуний белгилаш, таълимда, тиббиётда ҳуқуқлар тенглигини таъминлаш, фармацевтикани, кўчмас мулк бозорини тартибга солиш, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш каби аниқ йўналишлардаги дадил таклифларни сайловчиларимиз қўллаб-қувватладилар.

Сайлов биз учун нафақат синов, балки катта имкониятдир.

Фарида МАҲҚАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Очқиклик ва шаффофлик тамойиллари доирасидаги сайлов халқчил парламентни шакллантиришга хизмат қилиши баробарида сиёсий партиялар учун ўз фаолиятини қайси мезонлар асосида янада ривожлантириши кераклигини тушуниб олишига туртки беради.

Халқ вакилликка сайланган номзод учун ҳам, партия учун ҳам ҳар бир овоз муҳим ва қадрли. Чунки ўша овоз ортида бир инсоннинг ишончи, умиди мужассам. Бу галги парламент сайловлари бир қатор хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Аввало, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти, уларнинг сайлов жараёнлари иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлиги тўлиқ рақамлаштирилгани инсон омилини камайтириб, шаффофликни бир қадар



САЙЛОВ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистоннинг бугунги кунда юритаётган очиқлик тамойилларига таянган фаол ташқи сиёсати натижасида халқаро нигоҳлар юртимизга тикилган. Шу сабабдан 27 октябрь бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов жараёнларини кузатиш учун дунёнинг кўплаб давлатларидан экспертлар ташриф буюрди. Улар жараённинг боришини бевосита кузатиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси вакиллари томонидан Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайлови дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжуманида миссия вакиллари мазкур муҳим сиёсий тадбир давомида инклюзивликни таъминлаш бўйича улкан саъй-ҳаракатлар олиб борилганини қайд этдилар. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлар, имконияти чекланган сайловчилар учун барча шариоит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Сайлов ҳуқуқига эга 832 минг ногирон фуқародан 105 минг нафари овоз бериш учун қўшимча ёрдамга муҳтож эди. Уларга ўз хоҳиш-иродасини билдириш имкониятини яратиш мақсадида 16 мингга яқин кўнгилли жалб этилгани қайд этилди.

Бундан ташқари, сайлов участкаларида кўзи ожиз фуқаролар учун бўртма-нўқта босма трафаретлар тайёрлангани, шунингдек, кўзи ожиз сайловчилар учун оптик кўзойнақлар тақдим этилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Сайлов участкаларининг барча бинолари пандуслар, чақирив тугмалари, шунингдек, яширин овоз бериш учун махсус кабиналар билан жиҳоз-

лангани таъкидланди.

Саудия Арабистонининг "Nepress" янгиликлар нашри бош директори, халқаро кузатувчи Интесар Абдулла шундай дейди:

– Ўзбекистондаги қатор конференцияларда иштирок этганман, аммо сайлов жараёнларини кузатишда илк бор қатнашдим. Мазкур жараёнларда мени энг ҳайратга солган жиҳат – бу Ўзбекистонда электрон сайлов тизимининг йўлга қўйилгани бўлди.

Ушбу янги тизимни фуқаролар учун қулай имконият ҳамда демократик давлатдаги шаффофликнинг ёрқин намунаси, деб биламан. Ўзим борган сайлов участкаларида яратилган шариоитни кўриб хурсанд бўлдим.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, сайлов участкалари бир нечта давлат мактабларида ташкил этилган. Мен ушбу мактабларни кўриб, уларнинг худди хусусий мактаблар каби янги ва замонавий қиёфада эканлигидан ҳайратга тушдим.

"Нидерландия-Ўзбекистон" дўстлик жамғармаси раиси, халқаро кузатувчи Далия Олтунтапенинг қуйидаги фикри ҳам диққатга молик:

– Бу менинг Ўзбекистондаги сайловларда кузатувчи сифатида тўртинчи маротаба қатнашим. Мамлакатда ҳам, сайлов жараёнларида ҳам ҳар

сафар ижобий ўзгаришлар гувоҳига айланяпман. Биргина мисол, тарғибот кампанияларининг кўчалардаги баннерлардан бошланганини кўриб жуда ҳайратда қолдим. Бу овоз бериш жараёнини янада жонли қилади, чунки ҳар кун одамлар уларни кўради, номзодларнинг чеҳраси билан танишиш имконига эга.

Яна бир муҳим масала, мен Ўзбекистонда фуқаролик жамияти кучайиб бораётганига гувоҳ бўлдим. Телевидениеда номзодлар ўртасида баҳслар ташкил этилди ва улар ҳақиқатан ҳам мавзуларни жуда жонли ва жиддий муҳокама қилишди. Бу ҳам Ўзбекистонда сайлов жараёни фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Бир нечта сайлов участкаларига ташрифим чоғида рақамли овоз бериш тизими мавжудлигини кўрдим. Бу нафақат овоз бериш жараёнларида энгиллик яратади, оптималлаштиради, балки унинг шаффоф ўтишига хизмат қилади.

Жараёнларга ёш авлод томонидан бўлган қизиқишнинг юқорилиги эътирофга лойиқ. Яна бир мен жуда қадрлайдиган жиҳат – бу аёллар квотасининг 40 фоиздан кам бўлмаслигидир.

Умумий ҳолат ва жараёнлардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, Ўз-



қизиқиши биров сусайиб бормоқда", деган у.

Миср парламенти сенатори, "Аш-Шурук" газетаси бош муҳаррири Имадуддин Ҳасан Аҳмад Муҳаммад эса "Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кузатар эканман, Ўзбекистонда демократик жараёнлар ривожланиб бораётганига, сайловчилар фаоллигининг юқори эканлигига гувоҳ бўлдим. Фарғона вилоятида менинг эътиборимни тортган жиҳатлардан бири – шаҳар ва



бекистон сайлови жараёнлари жаҳон стандартидан ҳам юқори. Шу нуқтаи назардан, менимча, Ўзбекистон Европа ёки Ғарб давлатлари учун ҳам намуна бўла оладиган давлатга айланиш йўлида жуда яхши қадам ташламоқда.

Покистон Сенати аъзоси, халқаро кузатувчи Сармад Али эса Ўзбекистон парламенти сайлови жараёнлари дунёнинг турли бурчагидан келган 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирокида ўтганини, бу ўзидан ҳукуматнинг очиқлигига ишора қилиши, бошқа халқаро кузатувчилар билан гаплашганида улар ҳам худди шу фикрларни таъкидлашганини айтиб ўтган.

Лаослик халқаро кузатувчи Кирия Банчонпаки фикрича, сайлов жуда тартибли, ушқоқлик билан ўтган. Бунинг учун жойларда катта тайёргарлик кўрилган. Бу жараёнга рақамли технологиялар кенг жорий этилгани қувонарли ҳолат. "Ёшларнинг сайловда фаол қатнашаётганини кузатиб, уларга ҳавасим келди. Чунки ҳозир дунёнинг аксарият мамлакатларида бундай тадбирларга ёшларнинг

туманлардаги тозалик, озодалик, кўчалардаги тартиб, одамларнинг ҳушмуомалалиги, ҳамжихатлиги ва самимийлиги бўлди. Янги бунёд этилган масканлар, айниқса, "Экошаҳар" катта таассурот қолдирди. Мен Миср тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний юртига ташриф буюрганимдан, бу ернинг одамлари билан сўхбатлашганимдан хурсандман", дея ўз таассуротлари билан бўлишди.

Малайзия Стратегик ва халқаро тадқиқотлар институти раиси, халқаро кузатувчи Моҳд Фаиз Абдулланнинг мулоҳазалари ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўтган муҳим тадбирнинг ҳолисона баҳоси бўлди.

– 27 октябрда куннинг биринчи қисмида тўртта сайлов участкасига бордим, - дейди у. – Алоҳида таъкидлайман, мен бу ерда демократиянинг жуда соғлом ўсишини кузатаяпман. Сайлов комиссияси масъулари ўз фаолиятида шаффофликни таъминлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Жараёнларга умумий баҳо эса янги

“
ЯНА БИР МУҲИМ МАСАЛА, МЕН ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛДИМ. ТЕЛЕВИДИНИЕДА НОМЗОДЛАР ЎРТАСИДА БАҲСЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ВА УЛАР ҲАҚИҚАТАН ҲАМ МАВЗУЛАРНИ ЖУДА ЖОНЛИ ВА ЖИДДИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ. БУ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ФАОЛЛАШИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

демократия ва унга босқичма-босқич борилаётганидир. Ўзбекистон жуда яхши суръатда бу йўлдан одимламоқда. Мана шундай олдинга силжиш ҳам унинг мустаҳкам пойдеворга эга бўлиб боришининг белгисидир.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Фуқароларнинг жараёнларга фаоллиги юқори даражада бўлди. Нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари ҳам жараёнларда уюшқоқлик билан қатнашди.

Айрим нуфузли сайтларни кузатганимда, Ўзбекистоннинг биргина Москвадаги элчихонасида одамлар овоз беришда қатнашиш учун узун навбатларда турганини кўрдим. Бу уларнинг мамлакатидagi кечаётган сиёсий воқеаларга бефарқ эмаслигини тасдиқлайди.

Сайлов – демократиянинг юзи, деган таъриф бежиз айтилмаган. Юқоридagi экспертларнинг фикрларидан ҳам англашимиз мумкинки, дунё ҳамжамияти нигоҳида Ўзбекистон давлатчилик тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун жамиятда янги таваққур, дунёқараш шаклланиб улгурди. Бунда олиб борилаётган изчил ислохотлар занжирининг ўрни бекиёс.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.



ХОТИРА

Халқнинг таншти ўғлини

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, АТОҚЛИ ЖУРНАЛИСТ ВА ПУБЛИЦИСТ, БИР НЕЧА ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР СОҲИБИ ХОЛБЕК ЁДГОРОВ АГАР ҲАЁТ БЎЛГАНИДА 110 ЁШГА ТЎЛГАН БЎЛАДИ.

матбуот ходими, 150 дан кўпроқ журналистларнинг публицистик мақолаларини киритди. Шу билан бир қаторда китобда оддий ишчи ва қишлоқ муҳбирлари, мунтазам мақолалар ёзиб турадиган муаллифлар, полиграфия саноати жонқуярларининг исми-шарифлари қайд этиб ўтилди.

Шубҳасиз, катта ҳажмдаги ҳужжат ва далилларни, юзлаб журналистлар фаолияти тўғрисидаги лавҳаларни умумлаштириб, уларни яхлит хотиралар тизимига жамлаш ижодқордан улкан меҳнат, сабр ва кунт, катта маҳорат талаб этади. Атоқли журналист Холбек Ёдгоров туну кун ишлаб, бу мураккаб вазифанинг уддасидан чиқди. "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози" - тахририят) газетасининг 50 йиллигига бағишланган "Нурли йўл" асари ҳам ўзбек матбуоти хусусида ўқувчиларга қимматли маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

Бу ўринда икки оғиз Х. Ёдгоровнинг таржимаи ҳолига тўхталиб ўтсак.

Холбек ака 1914 йилда Марғилон шаҳрида, зиёлилар оиласида дунёга келган. Унинг болалиги халқ учун оғир бўлган йилларга тўғри келган. Бу машаққатли кунлар Отабек хожи ўғли Ёдгорбек оиласини ҳам четлаб ўтмади. Ана шундай пайтда, яъни, 1919 йилда Марғи-



лоннинг Ғураввал маҳалласида мактаб-интернат очилади. Маҳаллий аҳоли бу масканга "Ғарибхона" деб ном берган ва кўпчилик болалари ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳам уларни мана шу мактаб-интернатга беришга мажбур бўлганди. Ана шу кўп қаторида ёш Холбек ҳам мактаб-интернат остонасидан ҳатлаб, ундаги меҳрибон тарбиячи ва устозлар таъсирида камолга етди.

Холбек Ёдгоров касбий фаолиятининг илк паллаларини шундай хотирлайди: "Мен ўқиш, билим бошқа гап экан-ку, лекин газетада, амалиётда ишлаш, унинг ижод қозонида қайнаш бутунлай бошқа бир дунё эканлигига

ишонч ҳосил қилдим. Кўз ўнгимда ижод йўли, тақдиримнинг янги уфқлари очилди. Лекин очигини айтишим керакки, газетага ишга келиб янглишмадим... Мен ҳаёт тахрибаларига суяниб, ўзимда шакланган хислатларим учун, журналист касбига эга бўлганим учун, "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози" - тахририят) нинг катта мактабидан, университетидан ўтганим учун абадулабад миннатдорман".

Холбек Ёдгоровнинг "Нурли йўл" ва "Ҳаёт тўлқинлари" китоблари бугун матбуот ва журналистика йўлини танлаган ёш ижодкорлар учун ҳам бекиёс тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида унинг ўзбек журналистикаси ривожига қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Х. Ёдгоровга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилди. Янада қувонарлиси, атоқли журналист яшаган Шайхонтоҳур туманидаги Қўрғонча кўчаси ва у туғилиб ўтган Марғилон шаҳридаги кўча "Холбек Ёдгоров" деб номланиши халқнинг ўз танти ўғлинига берган энг ардоқли баҳоқидир.

Абдулла НАЗАРОВ, журналист.

ВАТАНГА ВА ХАЛҚҚА САДОҚАТ – ОЛИЙ БУРЧ

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИЛГАРИ СУРГАН “ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК”, ДЕГАН ЭЗГУ ҒОЯ МАМЛАКАТИМИЗ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАР НЕГИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ХУСУСАН, ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАСИ МАҚБУЛЛАШТИРИЛИБ, БАРЧА БЎҒИН РАҲБАРЛАРИНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ВА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ОЛДИДА ҲИСОБДОРЛИГИ БЕЛГИЛАНДИ. ШАХСИЙ ТАРКИБНИНГ 85 ФОИЗИ ҚҲҲИ БЎҒИНГА ТУШИРИЛИБ, РАҲБАР ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИНГ ХАЛҚ БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ҚИЛИШИ ЙЎЛГА ҚҲҲИЛДИ.



Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазири,
генерал-лейтенант:

Айниқса, жойларда ички ишлар идоралари бошлиқларининг 3 секторга раҳбар этиб белгиланиши тегишли ҳудудда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш асосида аҳолининг дарду ташвишини яқиндан билиш ва ўз вақтида зарур чораларни қўриш имконини бермоқда. Ишсизликни камайтириш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда.

Ислохотларнинг иккинчи bosқичида эса ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш назарда тутилган бўлиб, жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий хавфли жиноятларни фoш этиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги ёндашув тубдан ўзгартирилди.

Ички ишлар органларида криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноزلанишнинг мутлақо янги механизми яратилди. Вазирлик тизимида ташкил этилган Криминология тадқиқот институти бугунги кунда айнан жиноятлар содир этилишининг янги услубларини ва криминоген вазиятнинг илмий таҳлил қилиш билан шуғулланмоқда.

Энг қўйи бўғин - маҳаллаларда хавфсиз шароитлар яратилмоқда. Бунда ҳар қайси ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган. Эндиликда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кунлик ташкил этиш одатий ҳолга айланди. Асосий эътибор аҳоли орасида жиноятчиликка нисбатан мурасасиз муносабатни ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилаётди. Жиноятларнинг сабаблари “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилинаётгани бу иллатни жилавлашда яхши самара бермоқда.

Маҳалла ҳудудини интеллектуал видеокузатув тизими орқали назорат қилиш ҳамда хавфсизлик билан боғлиқ хабарларни профилактика инспектори планшетига дарҳол юбориш бўйича Хива туманидаги “Истиқлол” маҳалласида тажриба яратилган эди. Ушбу тажриба ижобий натижа бергач, бутун мамлакатимиз бўйлаб жорий этилмоқда.

Бухоро вилояти ҳудудий ички ишлар органларининг 150 нафар профилактика катта инспекторлари томонидан учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш амалиёти қўлланилмоқда. Дрон ёрдамида бириктирилган ҳудуддаги вазиятни назорат қилиш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Агар ушбу амалиёт яхши самара берса, уни ҳам мамлакатимиз бўйлаб татбиқ этиш режалаштирилган.

Шунингдек, Наманган вилоятида ёнма-ён жойлашган криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни микроҳудудларга ажратган ҳол-

Яна бир янгилик. Маҳаллаларда “ижтимоий профилактика” тизими яратилди. Унга кўра, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ҳуқуқбузарлик содир этиши ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича манзилли ишларни амалга оширмоқдалар. Бу борада уларга ижтимоий ходим, солиқ инспектори, бандлик ходими, инспектор-психолог, тиббиёт ходими ва бошқа мутасаддилар яқиндан кўмаклашяпти.

Жамоат хавфсизлигини “инсон омили”ни истисно этган ҳолда таъминлаш масаласи доимо вазирлик раҳбариятининг диққат марказида. Ана шу мақсадда энг олис ҳудудларда ҳам жиноятлар бўйича хабарларни қайд қилишнинг “102” автоматлаштирилган тизими жорий этилди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича баённомаларни электрон тарзда расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди.

Кўчаларда хавфсизлик ҳолатини кузатиш учун вилоят марказларида 13 та “Тезкор бошқарув маркази” ҳамда туман-шаҳарларда 130 та “Мониторинг маркази” ташкил этилиб, уларга 19 мингдан зиёд видеокамера интеграция қилинди.

Маълумки, ахборот коммуникациялари ривожлангани, ижтимоий тармоқлар оммалашгани сайин аҳоли орасида кибержиноятлардан



жабрланаётганлар сони тобора кўпаймоқда. Шу боисдан юртдошларимизни огоҳликка чақириш мақсадида виқтимологик профилактика тадбирларини кучайтирдик. Ушбу тадбирлар жараёнида банк пластик карталардан қандай хавфсиз фойдаланиш кераклиги, кибержиноятчилардан эҳтиёт бўлиш чоралари



лаларда йўлларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантиришнинг яхлит тизими яратилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳам устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Ҳозирда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан фақат видеокамера назорати остида мулоқот қилинади. Барча тергов хоналарига

“

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ 150 НАФАР ПРОФИЛАКТИКА КАТТА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН УЧУВЧИСИЗ УЧУШ АППАРАТЛАРИ (ДРОНЛАР)ДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ ҚўЛЛАНИЛМОҚДА. ДРОН ЁРДАМИДА БИРИКТИРИЛГАН ҲУДУДДАГИ ВАЗИЯТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. АГАР УШБУ АМАЛИЁТ ЯХШИ САМАРА БЕРСА, УНИ ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ ТАТБИҚ ЭТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

видеокамералар ўрнатилган. “Гезелла ойнаси” билан жиҳозланган ва видеоконференцалоқа тизимига уланган 57 та махсус тергов хонаси ташкил этилган. Бу ҳам тергов ҳаракатлари ҳолисона олиб борилишининг гаровидир.

Аммо биз фақат назорат воситалари билангина чекланмаямиз. Авваламбор, шахсий таркибни инсонпарварлик, ватанпарварлик, бурчга садоқат, қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш чораларини кўряпмиз. Бу борада “Маънавият ва маърифат” дарслари, турли маданий маърифий тадбирлар, яқка тартибдаги тарбиявий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Тизимда замон талабларидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш амалиёти тўлиқ рақамлаштирилди. Жами 262 та фуқароларни қабул қилиш хонаси ташкил этилди. Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари билан боғлиқ ҳолатларда (1102), қийин вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга (1259 ва 1286), туристларга (1173) ва одам савдосидан жабрланган фуқароларга (301-01-01) ҳуқуқий ва тезкор психологик ёрдам кўрсатиш бўйича қисқа рақамли “Ишонч телефонлари” ишлаб турибди.

Бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳасида тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, дея иккиланмай айтиш мумкин. Бинобарин, Ўзбекистон – 2030” стратегиясида халқ хизматидаги адолатли ва замонвий давлатни барпо этиш ғояси алоҳида ўринни эгаллаган. Ана шу ғоядан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистоннинг янги ички ишлар органлари яратилмоқда. Шуниси аниқки, соҳа ходимлари Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилишни олий бурч, деб билишади. Улар ана шу эзгу мақсад йўлида бор куч, билим ва салоҳиятларини аямайди.

Тинчлик-осойишталикни сақлаш, қонун устуворлигини таъминлаш мамлакат тараққиёти, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар



да уларда профилактика бош инспектори ва профилактика кичик инспектори лавозимлари киритилди. Ушбу янгилик ҳам маҳаллаларда аҳоли осойишталигини таъминлаш ва жамоат тартибни сақлашда ўз самарасини беради, деб умид қиламиз.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Боғишамол” ва “Тараққиёт” маҳаллаларида синовдан ўтган кўп қаватли уйлارнинг кириш-чиқиш жойларини видеоназорат қилиш воситалари билан жиҳозлаш тажрибаси эса эндиликда бошқа жойларда ҳам ўз амалий исботини топяпти.

Ҳозирда ҳар бир маҳаллага камида биттадан профилактика инспектори бириктирилган. Улар кечая кундуз аҳолининг хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш имкониятига эга бўлишлари учун ушбу соҳа вакилларига жами 6 минг 552 та хизмат уйи берилди. Бундан ташқари, уларга машина харид қилишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

аҳолига ҳар томонлама тушунтириляпти.

Яна рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада тезкорликни ошириш учун патруль-пост хизматида автопатруллар сони кўпайтирилиб, соҳа шахсий таркибининг 37,8 фоизи автопатруль йўналишларга жалб этилди. Сўнги пайтларда турли кўнгилсизликларга, ҳатто одамларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келаётган автоавариялар юз бераётгани кўпчиликни жиддий ташвишга солаётгани аччиқ ҳақиқат. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун йўл-патруль хизмати ходимлари 4 629 та “бодикамера”, 1 448 та алкотестер, 4 365 та ҳуқуқбузарликни қайд этувчи планшет ҳамда замонавий патруль автомашиналари билан таъминланди.

Умумтаълим мактабларида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” ўқув синфхоналари, маҳаллалар ва мактабгача таълим ташкилотларида эса йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этувчи болалар майдончалари ташкил этилди. Шу тариқа бо-



ТАРИХГА ҚИСҚАЧА НАЗАР

Мустақилликнинг дастлабки кунлари, яъни, 1991 йилнинг 14 сентябри. Мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган бир гуруҳ фаол фуқаролар ўтиш даврида манзилли ижтимоий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини илгари сурувчи партияни ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Ушанда мавжуд сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш, халқимиз ўртасида ижтимоий бирдамликни сақлаш ва мустаҳкамлаш гоят масъулиятли вазифа эди. Ана шундай тарихий вазиятда фаолларнинг ташаббуси қўллаб-қувватланди ва Ўзбекистонда биринчи сиёсий партияга асос солинди.

1991 йил 1 ноябрда – Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг I Таъсис қурултои бўлиб ўтди. Қурултой партия Устави ва Дастурини қабул қилди, ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг устувор йўналишлари белгиланди.

1991 йил декабрь ойида партия Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Декабрь охирига келиб партияни ташкилий расмийлаштириш ва унинг ҳудудий ташкилотларини Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахтда ҳамда мамлакатдаги барча туман ва шаҳарларда ташкил этиш жараёни яқунланди.



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Марказий Кенгаш аъзоси:

–Мустақиллик билан тенгдош бўлган партиямиз давлатимизнинг бугунги тараққиётига, демократик кадрларни мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшди, деб бемалол айта олам.

Менинг ҳам 10 йиллик фаолиятим партиямиз билан бевосита боғлиқ. 2005-2010 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайландим. Бу ниҳоятда ҳаяжонли ва масъулиятли жараён эди. Чунки айнан ўша йили мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилди. Унинг ваколатлари, назорат функциялари кўпайди. Шунга яраша фракциялар зиммасидаги масъулият ҳам ошди.

Албатта, янги демократик муҳитда биздан ҳам янги ишлаш талаб қилинарди. Фракция фаолиятини кучайтириш, электротартиб манфаатларини парламент даражасида қатъий ҳимоя қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш устида тиним билмай изландик, хорижий илғор тажрибаларни ўргандик.

Ушанда парламентда 28 нафар депутатимиз бор эди. Ҳаммамиз бор куч-ғайратимизни, билим ва тажрибамизни янги ҳуқуқий шароитда фракция фаолиятини кучайтириш, парламентнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратдик. Ана шундай муҳим паллада қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам фаол қатнашдик, фракциялараро бўладиган соғлом тортишувларда ўз позициямизда мустаҳкам турдик.

2005-2015 йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Мафқуравий ва тарғибий-ташвиқий масалалар бўйича раис ўринбосари бўлиб ишладим. Ҳаётим, иш фаолиятим сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғланди. Ишонасизми, уйда, оила даврасида ўтирганимда ҳам янги лойиҳалар ҳақида ўйлардим, қандай қилсак, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни ечимиз, деган фикр тинчлик бермасди. Аммо парламентда тўплаган тажрибам партия тизимидаги фаолиятимда ҳам қўл келди. Мафқуравий ва тарғибий-ташвиқий масалаларда кўплаб амалий, ижтимоий лойиҳалар амалга оширилди. Барча ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий форумлар ташкил этдик, кейинчалик бу ҳақида одамларнинг ўзидан жуда яхши, илиқ фикрлар эшитдик.

Амалий руҳ билан йўғрилган ушбу табдилларимиз орқали қанчадан-қанча одамларнинг муаммолари бартараф этилди, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак берилди. Партиямиз фаолиятини қузатсак, ҳозир ҳам бу ишлар изчил давом этаётганини кўраман.

Шоҳида ШОВҚИЕВА,
Ёшлар парламенти аъзоси:



– Мана, 33 йилдирки, Халқ демократик партияси тиришқок, меҳнатсевар, интилувчан ёшларни бирлаштириб, тарбиялаб келмоқда.

Ёшлигимдан ижтимоий-сиёсий жараёнларга жуда қизиқман. Ҳаётимда ва қарашларимда, дастурий-мақсадларда илгари сурётган таклиф ва ташаббуслари менга маъқул келиб Халқ демократик партиясини танлаганман. Бугун унинг сафида туриб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар иштирокчиси эканлигимдан ғурурланаман.

Нега мен айнан шу партияни танладим? Бошқа сиёсий кучлар ҳам бор эди-ку? Бу саволга жавобим аниқ. Гап шундаки, партия аҳолининг ижтимоий ҳимоясига беғ бўлагани, ёлғиз аёллар, ҳимояга муҳтожлар, ногиронлиги бор шахслар оғирини енгил қилишни кўзлагани қарашларимга тўғри келди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзосиман. Ҳа, бу мен учун муҳим минбар бўлди, ёшлар бугун ўз таклиф ва истакларини баралла айта олаётди.

Партия ичиде, сиёсий майдонда дунёқарашим бойимокда, ҳуқуқий билимларим мустаҳкамланмоқда. Келажакдаги орзуларим рўёби учун партиям менга қанот бағишлаганига ишонаман. Тўғриси айтсам, бир неча йиллардан сўнг парламент депутаты сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишни чин дилдан ниёт қилганман.

Партияимизнинг ёш аъзоси сифатида барча масаладошларимни табриклайман. Эзгу амалларида куч-қувват тилайман.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ 33 ЁШДА!

Ўтган 33 йил давомида Халқ демократик партияси шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди, сиёсий куч сифатида тобланиди, катта тажриба тўплади.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги биринчи сиёсий партия бўлган ХДП мустақиллик билан тенгдош, у билан қадамба-қадам одимлаб келмоқда.

Ўзбекистондаги янги ислохотлар шароитида партияимизнинг дастурий ғоялари ва мақсадлари янада чуқурлашди. Мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, барча йўналишдаги ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар қамраб олинди. Шунга монанд равишда партияимизнинг янги рамзи, логотиплари тасдиқланди. Ўтган йиллар давомида юртимиздаги барча Президентлик ва парламент сайловларида муносиб иштирок этди. Бу жараёнлар партиянинг сиёсий тажрибасини оширди, мафқуравий, ташкилий ва услубий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Ташкил этилган кунидан бошлаб партия халқнинг, айниқса, энг ёрдамга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз вазифаси, деб билди ва шу йўлда курашди.

ЙИЛЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН СИЁСИЙ КУЧ

Партия дастурида белгиланган устувор мақсадларга қанчалик эришмоқда, деган савол жуда долзарб. Сайловчилар, жамоатчилик, албатта, бу саволга жавоб кутади. Халқ демократик партияси масъулиятни англаган ҳолда амалий натижалар учун интилиб келмоқда.

Келинг, узоққа бормайлик. Партиянинг 2019 йилги сайловдан кейинги амалий ишлари, умуман, фаолиятига назар ташлаймиз.

Бундан аввалги сайловда Халқ демократик партияси асосий 12 қадамдан иборат вазифа ва мақсадларини белгилаб олган эди. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.

Энг асосийси, партиянинг ижтимоий идеали бўлган ижтимоий демократик давлатни барпо этиш тамойили янги таҳрирдаги Конституцияимизда муҳрланди. Минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси ратификация қилинди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган аҳолининг зарур товар ва хизматлар учун қилган харажатларига қўшилган қиймат солиғи қайтарилиши жорий этилди. Натижада 2 млн.дан ортиқ оиллага енгиллик яратилди.

Аҳолининг кам даромадли қатлами учун қурилатган арзон уй-жойлар сони кўпайтирилди, шунингдек, ушбу соҳада имтиёзли ипотека кредити ажратиш амалиёти такомиллаштирилди. Аҳолига уй-жой олишини субсидиялаш тизимига киришилди. Мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул кўрсатиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхати, шунингдек, тегишли мажбурий тиббий сўғурта механизмлари ишга туширилди.

Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббий буюмлар билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилди. Протез-ортопедия масалаларига ажратилган маблағ хажми кенгайди, уларнинг тури 18 тадан 30 тага кўпайди.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларни барча даражада сифатли таълим олиши

учун тенг имкониятлар яратилмоқда. Ҳар йили эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари бюджетдан тўлаб берилиши белгиланди.

ХДПНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ ҲАҚИДА

Юқориде таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда биринчи ташкил этилган сиёсий партия сифатида барча сайловларда фаол иштирок этиб, дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича муносиб натижаларга эришиб келмоқда. Бу йилги сайловларда ҳам партиямиз фаол иштирок этди, халқчил, ҳаётий ғояларга асосланган янги дастурини тақдим қилди. Ижтимоий-сиёсий ислохотларга дахлдорлик билан яшаётган, фаол фуқаролик позициясига эга сайловчилар бу ғоялар ҳақида маълумотга эга бўлиши аниқ. Шундай бўлса-да, уларга озгина шарҳ беришни жоиз топдик.

Партияимизнинг янги дастурида сиёсий майдондаги “сўл” позициясига хос ва мос равишда ижтимоий-демократик ғояларни ифодаловчи мақсад ва вазифаларга устуворлик берилган. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган ушбу дастур 10 йўналишда 150 дан ортиқ таклифларни қамраб олган. Аҳамиятлиси, уларнинг барчаси аъзоларимиз, фаолларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари, сайловчилар фикр ва таклифларига асосланиб ишлаб чиқилди.

Ушбу йўналишлар кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат пенсия таъминоти тизимини мунтазам такомиллаштириш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, мамлакатни хавфсиз ва экологик барқарор ҳудудга айлантириш масалаларини ўз ичига олган. Бундан ташқари, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, фармацевтика соҳасида давлат назоратини кучайтириш, дори-дармон ва протезлаш воситалари ҳамда бошқа тиббий-ижтимоий хизматлар нархларини тартибга солиш, спорт ва маданиятни қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, профессионал ва олий таълим, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратиш каби устувор вазифалар белгиланди.

Умуман олганда, партияимизнинг янги Сайловолди дастури замирида электротартиб манфаатларига содиқлик, асосий тамойилларини қаттиқ ҳимоя қилиш руҳияти мужассам.

33 йил давомида тўпланган тажриба, даврлар оша тобланган сиёсий куч ва ирода бу йилги сайловларда ҳам партия имиджини янада мустаҳкамлади.

СЎЗ - ФАОЛЛАРГА!

Аслиддин РУСТАМОВ, партия фахрийси:

– ХДП Ўзбекистон сиёсатининг энг оғир палласида, ўтиш даврида ташкил толган партия ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида партиямиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз сўзига, ўрнига эга бўлди.

Мен ҳам бир неча йиллар давомида ушбу партия тизимида ишладим, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан кўп нарсани ўргандим, бу йўлда яхшигина тажриба орттирдим.



1991 йилда ХДПга аъзо бўлганман. Тизимдаги фаолиятим 1994 йилда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашидан бошланди. Уша йилнинг ўзиде партия Марказий аппаратида ишга ўтиб, 1998 йилгача катта референт, ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари вазифаларида ишладим. 1999 йилда партия Марказий Кенгаши котиби этиб сайландим ва 2003-2005 йилларда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси сифатида фаолият юритдим. Шу тариқа партия ғояларини тарғиб қилиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсий фаолиятимда маълум қадамларни қўйдим.

Партия раиси сифатида ишлаб юрган пайтимида, яъни, 2004 йил 4 ноябрда партия Марказий Кенгаши Ижроқўми баёноти билан чиқди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатнинг сиёсий ҳаётида сўл қанотни эгаллаш, бозор шароитларида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатлари ҳимоячиси сифатида майдонга чиққанини маълум қилди. Бу партия ташкилотлари, депутатлари ва фаолларидан катта масъулият талаб этарди. Биз шуни чуқур ҳис этган ҳолда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун позиция кўрсатдик ва уни қатъий ҳимоя қилдик.

2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайландим, 2005 йилдан Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари бўлдим. 2007-2010 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимида ҳам фаолиятимни давом эттирдим. Уша йиллари партиямиз фракциясининг 28 нафар депутати елкама-елка туриб, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил жараёнларида фаол иш олиб бордик. Сайловчиларни ўйлантириб келаётган кўпдан-кўп масалаларни ҳал қилишда бош-қош бўлдик, электротартиб манфаатларини қонунчиликда акс эттирдик. Биз партия ичиде туриб, унинг дастурий-мақсадларини тарғиб қилишдек масъулиятли ишларда жонбозлик кўрсатдик, дея олам.

Сафимизда бўлган барча партиядошларни, фаолларимизни, фахрийларимизни Халқ демократик партиясининг 33 йиллиги билан табриклайман.

Умрбоқий ғояларга асосланган ва сафиде фидойи инсонларни бирлаштира олган партиямиз жонажон ватанимизнинг тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида бардавом хизмат қилишига ишонаман!

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ:

Тадбиркорларга Яқин кўмакдош

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан ОАВ вакиллари учун Қашқадарё вилоятига пресс-тур ташкил этилди. Мазкур тадбир давомида жанубий воҳада банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг амалий натижаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБнинг битта Банк хизматлари офиси ва иккита Банк хизматлари кўрсатиш маркази фаолият юритмоқда. Шунингдек, 5 та валюта айирбошлаш шохобчаси мавжуд бўлиб, улар орқали жами 50 900 нафар жисмоний ҳамда 1153 нафар юридик шахс ҳамда 351 та яқка тартибдаги тадбиркорга сифатли банк хизматлари кўрсатилаётган.

Пресс-тур иштирокчиларининг дастлабки манзили Яккабоғ тумани "Хўжайилғор" МФЙдаги "Jajji olmaschalar" нодавлат мактабгача таълим ташкилоти бўлди.



– Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган, – дейди ушбу НМТТ раҳбари Шоира Ҳайдарова. – Бунда, айниқса, банклар томонидан тақдим этилаётган молиявий ёрдам, имтиёзли кредитлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Тадбиркор сифатида янги бир лойиҳани амалга оширмоқчи бўлганимизда қўлингизда маблағнинг етарли бўлмаса, табиийки, ниятинг рўйга чиқмай қолаверади. Бундай вазиятда энг яқин кўмакчи банк бўлади. Худди шундай, дастлаб ташкилотимизни керакли жиҳозлар билан таъминлаш учун "Бизнесни ривожлантириш банки"дан 100 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлдик. Кредитни ўз вақтида тўлаб бўлганимиздан сўнг фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида, яъни, кўшимча бино қуриш учун ушбу банкдан яна молиявий кўмак олдик. Натижада бугунги кунда муассасамизда 23 та янги иш ўрни яратилиб, 210 нафар болажонлар замонавий шарт-шароитларда тарбияланмоқда.

Навбатдаги манзил – "Invest finans gold mega mall" масъулияти чекланган жамиятида журналистлар банк мижози томонидан савдо комплексини жиҳозлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳаси билан танишди.

– Фаолиятимизни 2021 йилда бошлаганимиз, – дейди "Invest finans gold mega mall" МЧЖ раҳбари Азизбек Эргашев. – Сизлар кўриб турган мана шу икки қаватли "Mega mall" савдо комплексининг умумий майдони 1700 кв метр. Биринчи қаватда аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб машиш техникаларига савдосини йўлга қўйганимиз. Иккинчи қаватида эса ошхона ва болажонлар учун ўйин майдончаларини ташкил қилганимиз. Бундай замонавий савдо комплексини ишга туширишда "Бизнесни ривожлантириш банки"нинг ҳиссаси катта бўлди. Ушбу банк томонидан жамиятимизга 2 миллиард сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Бунинг эвазига мана шундай мамну ва 25 та иш ўрнини ташкил этдик. Келажакда банк билан ҳамкорликни давом эттиришни режа қилганимиз.

Яккабоғ тумани "Чумич" МФЙда жойлашган "Shaxbozbek lider" МЧЖ ҳам "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ хизматларидан мамнун тадбиркорлик субъектларидан бири.

– Аҳолимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш – фаолиятимиз бош мезони, – дейди ушбу МЧЖ таъсисчиси Сабоҳат Жуманова. – Клиникамизни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида "Бизнесни ривожлантириш банки" Яккабоғ банк хизматлари офисига кредит маблағи олиш учун мурожаат қилдик. Мурожаатимиз ижобий кўриб чиқилиб, банк томонидан 405 минг 330 АҚШ долларига тенг кредит маблағи ажратилди. Ушбу маблағ эвазига чет элдан тиббий уску-

налар харид қилдик. Бугунги кунда 13 нафар тиббиёт ходимини иш билан таъминлаб, кунига 70-80 нафар беморга хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Пресс-турнинг иккинчи куни "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Қарши банк хизматлари офиси фаолияти билан танишишдан бошланди. Бу ерда журналистларга вилоятдаги банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шундан сўнг "Факторинг бозори ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда сўзга чиққан мутасаддилар томонидан сўнги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан банк секторига тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Аҳолига тақлиф этилаётган банк хизматлари сони ва сифати ортиб, замонавий, қулай, оммабоп ва жозибдор хизматлар борасида соғлом рақобат муҳити юзага келгани ҳам таъкидланди.

Мазкур жараёнда "Бизнесни ривожлантириш банки" ўз қадриятлари ва тажрибасига таянган ҳолда янги шароитга тезкор мослашиб, ушбу рақобатда нафақат ўз нуфузини сақлаб қолиш билан бирга муайян йўналишларда бошқа молия муассасаларига намуна бўлмоқда.

– Банк мижозлар учун янги ва ўзига хос хизматлар тақлиф этишга ҳаракат қилмоқда, – дейди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Қарши банк хизматлари офиси бошқарувчи ўринбосари Камол Айтматов. – "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг кўчар активларга асосланган инструментларини ривожлантириш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти узлуксизлигини таъминлаш имкониятларини янада ошириш мақсадида факторинг хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур хизматдан мижозлар фаол фойдаланмоқда.

Анжуманида ушбу хизматнинг миллий иқтисодиётимиз учун тугган ўрни ва амалий аҳамияти, банк томонидан тақлиф этилаётган факторинг хизматининг ўзига хослиги ҳақида журналистлар ҳамда тадбиркорларга атрофлича ахборот берилди.

Таъкидланишича, факторинг, фактор-агент, оддий ва содда тилда айтилганда "молиявий воситачи" ҳисобланади. Факторинг операцияси – тўлов муддати кечиктириш шартлари асосида савдо фаолияти билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, маҳсулот етказиб берувчиларга кўрсатиладиган молиявий хизматлар мажмуидир.

– Факторинг – бу пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш хизмати ҳисобланади, –



дейди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Қарши БХО бошқарувчи ўринбосари Фаррух Кўзиёв. – Факторингни молия агенти сифатида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари тузиши мумкин. Факторинг – хўжалик юритувчи субъектлар (етказиб берувчилар) ни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк (молия агенти)га, етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан ақцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз олиш ҳуқуқини беради. Факторинг хизматлари қулайликларига тўхталадиган бўлса, етказиб берувчи тадбиркор учун гаров таъминоти талаб қилинмайди. Тадбиркорларнинг айланма маблағлари узлуксизлиги таъминланади. Энг муҳими, ишлаб чиқариш цикли барқарорлиги кафолатланади. Банк учун эса мижозлар базаси ошади.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, ташқи савдо операцияларида факторингни ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Тадбир доирасида банк мутахассислари томонидан ўтказилган "REVERSE FACTORING" ва "REGULAR FACTORING" мавзусидаги тақдимотлар иштирокчиларнинг факторинг хизматлари ҳақидаги тушунчаларини янада оширишга хизмат қилди.

Пресс-тур иштирокчилари Қарши шаҳри ва туманидаги автомобилларга чехол ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Grand avto chexol" оилавий корхонаси, болалар учун юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқараётган "Muhammad-nur" масъулияти чекланган жамияти ва ёғочдан турли буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "New class mebel" корхонаси фаолияти билан ҳам танишдилар.

Тоштемир Худойқулов,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Шу йилнинг 1 ноябрдан "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури амалга оширилади. Бу ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган дастур бўлиши кўзда тутилган. "Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида"ги Президент фармонида дастурни амалга ошириш бўйича республика комиссияси ташкил этилиши қайд этилган.

КАМБАҒАЛЛИҚДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

Дастур 2024 йил 1 ноябрдан қуйидагиларни назарда тутувчи "Камбағал оилалар учун еттига имконият ва масъулият" тамойили асосида амалга оширилади. Булар:

1. Барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш — тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ҳар бир маҳаллага етакчи тадбиркорларни жалб қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш, ҳар бир туман ва шаҳарда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берувчи камида 5 тадан «драйвер» лойиҳаларни амалга ошириш, кўшимча 50 минг гектар экин майдонларини камбағал оилаларга ижарага бериш, уларга кичик ишлаб чиқариш ускуналарини, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситаларни бўлиб тўлаш шартли билан бериш;

2. Таълим олиш ва касб-хунарга ўрганиш — 2024-2025 йилларда камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим билан қамров даражасини 80 фоизга етказиш, оиланинг камида битта фарзандини хорижий тилларга, касб-хунарга ёки мутахассисликка ўқитиш, битта фарзанди, хусусан, қиз фарзандининг олий маълумотга эга бўлиши учун шартли яратиш, болаларни компьютер саводхонлигига ўргатиш, ахборот технологиялари ва дастурлаш бўйича ўқув курсларига ўқиши учун шартли яратиш, шу жумладан, мактабларда тўғарақлар ташкил этиш;

3. Кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланиш — камбағал оилаларнинг ҳар бир аъзоси бир йилда бир марта тўлиқ тиббий кўриқдан ўтиши, уларнинг ўз соғлиги учун масъулиятини ошириши (кундалик турмуш тарзи ва овқатланишда зарарли одатлардан воз кечиши), ҳар бир фарзанди спорт тўғарақларига қатнашиши учун имкониятлар яратиш, оиланинг тиббий хизматларга ўз ҳисобидан сарфлайдиган харажатларини икки баробар қисқартириш;

4. Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш — ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш, хусусан, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриши, болаларни тарбиялаш ва кундузги парваришига хизматларини йўлга қўйиш;

5. Яшаш шартлиларини яхшилаш — ипотека тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, маҳаллаларда экологик тоза материаллар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий «яшил» турар жойларни қуриш ёки реконструкция қилиш, тоза ичимлик сувни етказиш, хонадонларда энергия тежовчи инновацион ёритиш, иситиш ва иссиқ сув таъминоти ҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш тизимларини жорий этиш;

6. Давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш — томорқаларни суғориш суви, маҳаллани электр энергияси ва интернет билан узлуксиз таъминлаш ҳамда унинг туман маркази билан транспорт жиҳатидан боғланганини яхшилаш, ички йўллари таъмирлаш, ҳудудларни жадал комплекс ривожлантириш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш;

7. Давлат органлари ходимлари билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш — барча бўғиндаги давлат ҳокимияти органлари камбағал оилалар билан мунтазам тўғридан тўғри алоқа ўрнатиши, бирдамликда ҳаракат қилиши ҳамда раҳбарларни камбағал оилаларга бириктириш, уларнинг муаммоларини биргалликда ечишга кўмаклаши.



Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази делегацияси Туркияда бўлиб қайтди. Ўзаро илмий мулоқотни чуқурлаштириш ва тажриба алмашиш мақсадига қаратилган ташриф асносида қатор тadbирлар, давра суҳбатлари, тақдимот ва кўргазмалар ўтказилди. Ғарб ва шарқ цивилизациялари, турли эллар, маданиятлар, тафаккур ва қарашлар туташган қадимий заминни Ўзбекистон билан боғлаб турадиган ришталар бисёр. Халқларимиз тарихи асрлар оша умумий илдиэларга бориб тақалади.



ЗАМОН, МАКОН ВА МАДАНИЙ МЕРОС

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти (олдинги Ислом Конференцияси ташкилоти) ташаббуси билан 1979 йилда Истанбул шаҳрида ИРСИКА - Ислом тарихи, маданияти ва санъати тадқиқотлари марказига асос солинган. Айни пайтга қадар ушбу ташкилот ислом санъати ва маданияти, цивилизацияси ва тарихини ўрганиш бўйича турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Бу ташкилот Ўзбекистондаги бир қатор илмий-маърифий муассасалар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзбекистонлик делегация вакиллари иштирокида ИРСИКА бош қароргоҳида "Янги Ўзбекистон: замон, макон ва маданий мерос" мавзусида фотокўргазма ташкил қилинди. Унда Ватанимизнинг бой табиати, тарихий обидалари, маданияти, урф-одат ва анъаналари, Ўзбекистон — Туркия муносабатлари акс этган фотосуратлар намойиш қилинди.

Фотокўргазма доирасида ўтган "Ўзбекистон — Туркия: туташ илдиэлар ва умумий мерос" мавзусида фотокўргазма ташкил қилинди. Ислам цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухолиқов, ИРСИКА бош директори Махмуд Эрол Қилич, Тўпкопи саройи музейи директори Илҳан Кожаман, Турк ва ислом санъати музейи раҳбари Акрам Айтар, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази директори Музаффархон Жониев ва бошқалар икки халқ маданияти ва дўстлиги, ҳамкорликдаги лойиҳалар, Туркия музейларида сақланаётган Ўзбекистон маданий мероси дурдоналари хусусида тўхталиб ўтидилар.

Ушбу тadbир давомида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридидий илмий текшириш марказлари тақдимотлари ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон ИРСИКА билан ҳамкорлик қилаётган 57 та мамлакат орасида ислом маданияти ва меросини асраб-авайлаш борасида етакчиликни қўлдан бермай келмоқда, - деди ИРСИКА бош директори Махмуд Эрол Қилич. - Бу борада Ўзбекистон Президенти ташаббуси амалга оширилаётган йирик лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги тadbирларда ҳам Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда маданий-маърифий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар яққол аксини топди.

ЎЗБЕК АЛЛОМАЛАРИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ислом тадқиқотлар маркази (ИСАМ) ва ИРСИКА ўртасида "Ўзбекистоннинг буюк алломалари" энциклопедиясини яратиш бўйича келишиб олинди.

Маълумки, Ўзбекистон замини ўз тарихида икки кита буюк Ренессанс даврини бошдан кечирган. Бу диёрда юзлаб буюк алломалар, мутафаккир олимлар, фозилу фузалолар етишиб чиққан, бетимсол кашфиётлар қилган, илмий-маърифий, адабий-бадий асарлар яратилган. Гарчи уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳар томонлама тадқиқ этилаётган бўлса-да, шу пайтга қадар бу олимларнинг барчасини қамраб оладиган энциклопедик тадқиқотлар амалга оширилмаган эди. Ислом цивилизацияси марказининг ўзбек алломалари энциклопедиясини яратиш ташаббуси туркиялик мутахассислар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ислом тадқиқотлари маркази 40 йиллик фаолияти давомида 46 жилдлик "Ислом энциклопедияси"ни чоп этди, - дейди Ислом тадқиқотлари маркази раҳбари Муртазо Бедир. - "Ўзбекистоннинг буюк алломалари" энциклопедияси лойиҳаси бизни ўзига жалб этгани бежиз эмас. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда бу хайрли ишни амалга оширишга ҳозирмиз.

Энциклопедия электрон платформада ва босма нашр кўринишида, ўзбек, турк, инглиз ва бошқа тилларда тайёрланиши кўзда тутилган.

ТУТАШ ИЛДИЭЛАР

СУЛТОН АБДУЛҲАМИД II ГА БУХОРО АМИРИДАН ҲАДЯЛАР

Истанбул нафақат қадим тарихи, бетакрор табиати, тарихий ва замонавий обидалари, балки ўзига хос музейлари билан ҳам сайёҳларни лол қолдириб келади. Зотан, Рим Империяси, Византия, Усмонийлар даврида дунёнинг марказий нуқтаси, Ғарбу Шарқни боғловчи олтин кўприк вазифасини ўтаган Истанбулнинг ҳар кўчаси, ҳар бир гўшасида олис тарих излари билан юзма-юз келасиз.

Биргина Тўпкопи саройини кўриш учун ҳар куни минглаб сайёҳлар дунёнинг турли ўлкаларидан ошқадилар. Усмонийлар салтанатининг наъшу намоси, тантанаси ва таназзулига шохид бўлган бу гўзал мезморий обида бугун жонли музейга айлантилган. Бу ерда ислом тарихига оид энг мўътабар манбалар ва тарихий ашёлар, пайғамбарлар ва саҳобаларга оид шахсий буюмлардан тортиб, ҳукмдорларнинг тожу тахти, муҳру фармонларига қадар тенгсиз тарихий осори атиқалар билан танишиш мумкин.

Саройдан, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий буюмлар, Ҳусайн Бойқаро топшириги асосида ўрам шаклида битилган Қуръони карим нусхаси, Бухоро Амири Сайид Олимхоннинг Султон Абдулҳамид II га юборган ҳадялари сингари кўплаб артефактлар ўрин олган.

СУЛАЙМОНИЯ КУТУБХОНАСИ

Туркия кутубхоналарида ислом оламидаги энг нодир ва қадимий қўлёзмалар жамланган. Айни пайтга Истанбул шаҳрида Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлигининг Қўлёзмалар бошқармаси фаолият кўрсатмоқда. Бошқарма таркибидagi Сулаймония кутубхонасида ушбу қўлёзмаларни сақлаш, ўрганиш ва келгуси авлодларга бешиқаст етказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.


Сафар давомида мухташам кутубхонада сақланаётган қўлёзмалар фонди билан танишиб, китобларни сақлаш шароитлари ўрганилди ва тажрибалар алмашилди.

- Бугунги кунда Сулаймония кутубхонасида 200 мингдан ортиқ тарихий қўлёзмалар энг замонавий шарт-шароитларда сақланмоқда, - дейди Туркия қўлёзма асарлар бошқармаси раиси Жўшқин Йилмаз. - Уларнинг салмоқли қисми бевосита бугунги Ўзбекистон замини билан боғлиқ. Уларни ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилишда ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар билан ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда бир қатор тарихий асарларнинг факсимиль нусхаларини яратиш бўйича келишиб олинди.

Шундан сўнг Маданият ва туризм вазирлигига қарашли Ромий кутубхонаси реставрация лабораторияси - "Китоб шифохонаси"да бўлиб, у ердаги иш жараёнлари, қадимий қўлёзма манбаларни тиклаш-таъмирлаш тажрибалари билан танишдик. Ромий кутубхонаси жойлашган тарихий бино Усмонийлар салтанатининг сўнгги даврида ҳарбий қисм вазифасини бажарган. Бу ерда қадимий қўлёзмаларни таъмирлаш, реставрация қилиш ишлари йўлга қўйилган.

- Бу ерга бизнинг ходимларимиз ҳар йили тез-тез келиб, қадимий қўлёзмаларни таъмирлаш бўйича туркиялик мутахассислар тажрибасини ўрганишмоқда. - дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими Йўлдошхон Исаев. - Китобларни каталоглаштириш, электронлаштириш ва таъмирлаш бўйича олинган кўникмалар марказимиздаги қадимий қўлёзмаларни асрашда қўл келмоқда.

Ислом цивилизацияси маркази томонидан бир қатор тарихий нодир қўлёзмалар, жумла-



дан, Қуръони каримнинг Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхон даврида яратилган, темурий шаҳзода Бойсункур Мирзо томонидан кўчирилган нусхаларининг факсимиль нашрларини яратиш юзасидан музей раҳбарлари билан келишувларга эришилди.

Туркия қўлёзма асарлар бошқармаси раиси Жўшқин Йилмаз томонидан "Саҳиҳ ул-Бухорий" асарининг XIII асрда кўчирилган энг қадимги тўлиқ қўлёзмасининг факсимиль нусхаси Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий инновацион музейига ҳадя қилинди.

АЛИ ҚУШЧИ ДАФН ЭТИЛГАН МАҚБАРА

Айюб Султон мақбараси Истанбулнинг гавжум ва файзли гўшаларидан бири. Бу ерда пайғамбаримизнинг яқин саҳобаларидан бири Абу Айюб Халид ибн Зайд ал-Ансорий дафн қилинган. Манбаларга кўра, Абу Айюб Ансорий асли мадиналик бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага хижрат қилганларида дастлаб унинг уйда яшаганлар. Ансорий хазратлари Расулulloҳ (с.а.в)га бир қанча жангларда ҳамроҳлик қилган. Кексайиб қолганига қарамай, 674 йилда мусулмонлар томонидан Константинополни қамал қилишда иштирок этган ва шаҳар девори яқинидаги жангда шохид бўлган.

Шаҳар 1453 йилда турклар томонидан қўлга киритилган, Абу Айюб Ансорий қабри аниқланади ва у ерда ҳукмдор Фотиҳ Султон Меҳмет томонидан мақбара бунёд этилади.

Кейинчалик бу ерда кўплаб усмонийлар хонадони вакиллари, шаҳзодалар ва амрлар, таниқли шахслар дафн қилинган. Улар орасида буюк ватандошимиз Самарқанд астрономия мактаби вакили Али Қушчи (1403-1474) ҳам бор.

Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Мирзо Улуғбекнинг энг ишончли дўсти ва шогирди бўлиб, у 30 га яқин асар, шу жумладан, устозининг "Зижи Кўрагоний" асарига шарҳ ёзган. Мирзо Улуғбекнинг жожиали ўлимидан сўнг бир муддат Табризда яшаган олим 1473 йили Фотиҳ Султон Меҳметнинг тақлифига биноан Истанбулга келган. Султоннинг ўзи унга Аё София масжидини расадхона сифатида топширган. Али Қушчи у ерда талабаларга дарс берган, аммо кўп ўтмай, шу ерда вафот этган. Олимга ҳурмат нуқтаи назарида уни Истанбулнинг энг қутлуғ қадамжоси - Абу Айюб Ансорий мақбарасида дафн этидилар. Айни пайтга ўнлаб қабрлар орасида биргина Али Қушчи қабр тошида унинг қисқача ҳаёт йўли зарҳал ҳарфларда битилган.

ИСТАНБУЛНИНГ ЎЗБЕКОНА ОБИДАСИ

Туркия ҳудудида бир неча асрлик тарихга эга бўлган ўзбек маҳаллалари, карвонсаройлар, меҳмонхоналари учратиш мумкин. Ана шундай масканлардан бири Истанбулнинг Осиё қисмида, Ускудар тумани ҳудудида жойлашган "Ўзбеклар хонақоҳи" (Özbekler tekkesi) дир.

Маълумотларга кўра, 1752 йилда турк султони Махмуд I Истанбул яқинида ов қилиб юрганида, баланд ялангликка тикилган чодирларни кўриб қолади ва, табиийки, бу ерда кимлар борлиги билан қизиқади. Маълум бўлишча, бу жойда Ҳаж сафарига отланган бухороликлар йўлга чиқишга ҳозирлик кўришаётган экан. Суҳбат асносида ўзбек

хожилари шу ерда ҳар йили тўхтаб ўтишлари, Нақшбандия тариқатига мувофиқ, зикр ва ибодатларини адо этишларини айтишади.

Шундан сўнг султон бу ерда ўзбеклар учун барча шароитларга эга бўлган таъя - хонақоҳ қуриши буюради. Кейинчалик хонақоҳ Истанбулда қолиб кетган ўзбекларнинг сеvimли масканига айланади. Юртимиздан борган Нақшбандия тариқатининг бир қанча мансублари шу хонақоҳда доимий макон тутишади. Хонақоҳ бир неча оилага ва меҳмонларга мўлжалланган хоналар, масжид, кутубхона, зикрхона, ошхона ва бошқа қурилмаларни ўз ичига олган. Хонақоҳнинг орқа томонида шу ерда вафот этган ҳамюртларимиз қабрстони жойлашган.

Бугунги кунда бу ерда Ислом тадқиқот ва таълим вақфи жойлашган бўлиб, тасаввуф тарихи бўйича илмий изланишлар олиб борилади. Шу билан бирга дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар бу хонақоҳга тез-тез ташриф буюриб, унинг тарихи билан боғлиқ маълумотларга эга бўлишади.

Ислом цивилизацияси маркази томонидан қардош юртдаги матбаа корхоналари, хаттот, ношир ва дизайнерлар билан ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу галги сафар пайтида "Мега Басим" нашриёт уйи директори Ҳасан Конду, Қуръони каримнинг 1500 йиллик хат ва безак услубларини ўз ичига олган қўлёзма хаттоти Ҳусайн Кутлу билан учрашувлар ҳам қизгин руҳда кечди. Туркиялик ноширлар билан "Ўзбекистон қўлёзма меросида тарихий шахслар", "Клавихонинг Амир Темур салтанатига саёҳати", "Қуръони каримнинг 114 нодир қўлёзмаси", "Ўзбекистоннинг ноёб мусхафлари" китоб-альбомларини чоп этиш бўйича ке-



лишувларга эришилди.

18-26 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташаббуси билан "Шарқ ренессанси феномени: давлатлар, динлар, шахслар ва цивилизациялар" мавзусида халқаро маданий мерос ҳафталиги ўтказилди.

Халқаро маданий мерос ҳафталиги тadbирлари Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти (WOSCU), Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхун Беруний номидаги Шарқшунасли институти, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи Тошкент филиали, Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг янги қуриладиган мажмуасида ўтказилди.

Ҳафталикка буюк Британия, Россия, Франция, Япония, Ҳиндистон, БАА, Туркия каби 20 дан ортиқ мамлакатдан 100 га яқини хорижлик иштирокчилар ташрифи буюришди. Халқаро маданий мерос ҳафталиги Ўзбекистон маданий меросини асраб-авайлаш, уни халқаро майдонда тарғиб этиш бўйича хорижий олимлар билан ҳамкорликдаги янги илмий баҳс-мунозаралар майдонига айланди. Жумладан, Ислом цивилизацияси маркази делегациясининг Истанбулдаги учрашувлари доирасида келишилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан навбатдаги музокаралар бўлиб ўтди.

Ҳафталик давомида жами 100 дан зиёд тadbир, 19 та асосий мавзу бўйича муҳокама-лар, жумладан 36 та тақдимот, 8 та ялли мажлис, 8 та кўргазма, 4 та илмий конференция, 4 та форум, 1 та спектакль, 1 та тарихий бадий фильм намойиши ўтказилди.

Рустам ЖАББОРОВ,
журналист.



32 йиллик ОРЗУ УШАЛДИ...


ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛСА, МУШКУЛЛАР ОСОНЛАШАДИ. ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ "ЛАЙЛАХОНА" МАХАЛЛАСИНИНГ "БЕШТОМ" ҚИШЛОҒИ АҲЛИ 32 ЙИЛ ДАВОМИДА ЙЎЛЛАРНИНГ АЯНЧЛИ АҲВОЛИДАН АЗИЯТ ЧЕКИБ КЕЛГАН.

– Қир ва адирларга туташ манзилда яшаймиз, – дейди Бўрибой Тагманов. – Қадимда бу ерлар ёлғизоёқ ва сўқмоқ йўл бўлган. 1992 йилнинг бошларида қарийб уч километр йўл бироз кенгайтирилган бўлса, шундан кейин ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳатто, бирор марта ҳам таъмирлангани йўқ. Ёзда кўтарилган чанг-ғубор ва қишли-қировли кунларнинг лойгарчи-

лигидан безиб қолгандик. Автомашина ҳаракатлини нари турсин, ҳатто, ўқувчилар ўз вақтида мактабга боролмаган. Бугун кўп йиллик ниятлар ижобат бўлганидан ниҳоятда хурсандмиз. – Туман марказидан 25 километр олисда жойлашган "Бештом" қишлоғи Қумқўрғон туманининг "Хўжамўлки" маҳалласи билан чегарадош, – дейди Шўрчи туман ҳокимлигининг ахбо-

рот хизмати раҳбари Нигина Шоева. – Туташ манзилларда 9 минг нафарга яқин воҳадошларимиз истиқомат қилади. Қарийб 2 мингта хўжалик бор. Уч километрга яқин йўл асфальт қилинган қўшни маҳалла аҳли учун ҳам ҳақиқий янгилик бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ниҳоятда муҳимдир. Улар жамоатчиликнинг турли гуруҳ манфаатларини намоён этиш, давлат ва жамият ўртасида мулоқотни таъминлаш, ижтимоий соҳага инновацион ёндашувларни киритиш қобилияти билан демократик ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўладилар. Шу билан бирга таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа ижтимоий секторларда муҳим хизматларни кўрсатиш орқали ижтимоий ижодкорликни қарор топтиришга кўмаклашадилар.

Бирок ННТлар фаолиятига тўсқинлик қилувчи муаммолар ҳам йўқ эмас. Молиявий ресурсларнинг чеклангани, малакали кадрлар етишмовчилиги, жамоатчиликнинг суст ишончи, ресурслар учун рақобат ва технологик тўсиқлар нодавлат нотижорат ташкилотлар ишида самарадорликни пасайтиради. Айниқса, етарли молиявий имкониятга эга бўлмаслик ижтимоий лойиҳаларни реализация қилишда, шу орқали жамиятдаги муаммоларга ечим топишда халал беради. Бундан ташқари, малакали кадрларни жалб этиш масаласи ҳам ННТлар учун ҳамон оғриқли бўлиб турибди.

Албатта, юртимизда сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ўтган вақт давомида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди. Яратилган ҳуқуқий асослар натижасида мамлакатда ННТларнинг эркин ва барқарор ривожланиши янада жадаллашди.

Таъкидлаш ўринлики, ННТларнинг хорижий манбалардан маблағ олиш ва грант лойиҳаларини амалга ошириш тартиби янада соддалаштирилди. Ижтимоий шериклик механизмларини мустаҳкамлаш мақсадида 2023 йил 4 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий фойдали дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилишида ижтимоий шериклик ҳамда халқаро ҳамкорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Натижада қатор талаблар бекор қилинди. Қиймати БҲМнинг 2000 бараваригача бўлган грант лойиҳаси "Йўл харитаси"ни миллий ҳамкор билан биргаликда тасдиқлаш; қиймати БҲМнинг 2 000 баравари ва ундан юқори бўлган грант лойиҳаси "Йўл харитаси"ни Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш; грант лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорларни Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш; давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида имзоланган меморандум лойиҳаларини

ННТлар фаолиятида қандай муаммолар бор?



Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигига кўриб чиқиш учун киритиш шулар жумласидандир.

Мазкур қарор билан ННТлар томонидан ташқи манбалар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида лойиҳаларни амалга ошириш тартиби тасдиқланди. Ушбу тартибга кўра, Адлия вазирлиги томонидан ННТга халқаро грант лойиҳасини амалга оширишда амалий ёрдам бериш ва ҳамкорлик қилиш учун миллий ҳамкорни бириктириш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, ННТлар томонидан ташқи манбалар ҳисобидан лойиҳаларни амалга оширишда уларга миллий ҳамкор сифатида бириктирилаган давлат ташкилотларининг масъулияти кучайтирилди ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, янги тартиб билан давлат ташкилотининг нодавлат нотижорат ташкилоти олдидидаги мажбуриятлари ҳам мустаҳкамланиб қўйилди.

Прогрессив ислохотлар маркази ҳам ННТлар билан ҳамкорликда ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш, жамиятда

ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилган. Марказ ижтимоий муаммолар ечимида кўмаклашиш баробарида нодавлат ташкилотлар фаолиятини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш учун ўзаро ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш чора-тадбирларига ҳам жиддий ёндашмоқда.

"Ўзбекистон-2030" стратегияси ва 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш ННТлар фаолигини янада ошириш билан боғлиқ вазифаларни кун тартибига чиқараётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда бу тузилмалар салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, уларнинг жойларда сақланиб қолаётган муаммоларини ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, таъсирчан жамоатчилик

“ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 26 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида"ги Фармонида МАЗКУР ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРНИНГ САМАРАДОР ЕЧИМЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИКИ, УЛАРНИНГ Рўёбга чиқиши том маънода ННТЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧМОҒИ ТАЙИН.

назорати олиб боришини рағбатлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш долзарб бўлиб қолмоқда.

Президентимизнинг шу йил 26 августда қабул қилинган "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида мазкур долзарб вазифаларнинг самарадор ечимлари белгилаб берилдики, уларнинг рўёбга чиқиши том маънода ННТлар фаолиятида янги саҳифа очмоғи тайин.

Умуман олганда, ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи ННТлар сафи кенгайиб боришига, мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида янада жонланиш кузатилишига ишончимиз комил.

Миршоҳид АСЛАНОВ,
Прогрессив ислохотлар маркази раҳбари.

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Ulug'bek INOVATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQLICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Бosh муharrir: То'лиқин ТО'РАХОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1037. 3278 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.